

ШАХСИЙ ТАРКИБ ЎРТАСИДА МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Камолов Бахромжон Исломилжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6779086>

Аннотация. Мақолада ички ишилар органлари ходимлари ўртасида маънавий-маърифий ишиларнинг асосий мақсади ҳақида сўз бориб, унда аввало, ички ишилар органлари тизимида хизмат қилаётган барча ходимларнинг умумий дунёқараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириши, уларда ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини кўтариши, ходимларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини оширишида амалга оширилиш лозим бўлган чора тадбирлар юзасидан тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: концепция, мафкуравий иммунитет, ватанпарварлик, бурчга садоқат, ифтихор, ижтимоий-сиёсий тарбия, жасорат.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ РАБОТ СРЕДИ СОТРУДНИКОВ

Аннотация. В статье акцентируется внимание на основной цели духовно-воспитательной работы для сотрудников правоохранительных органов, прежде всего, на повышении общего кругозора, политической сознательности, духовного и интеллектуального потенциала всех сотрудников правоохранительных органов, привитии им патриотизма, гордости, уважения, профессионализм и даются рекомендации о мерах, которые необходимо предпринять для оказания качественных услуг и повышения морального духа персонала.

Ключевые слова: концепт, идеиний иммунитет, патриотизм, верность долгу, гордость, общественно-политическое воспитание, мужество.

IMPROVEMENT OF SPIRITUAL, EDUCATIONAL AND UPBRINGING WORK AMONG THE PERSONNEL

Abstract. The article focuses on the main purpose of spiritual and educational work for law enforcement officers, first of all, to raise the general outlook, political consciousness, spiritual and intellectual potential of all law enforcement officers, instilling in them patriotism, pride, respect, professionalism and. Recommendations were made on the measures to be taken to provide high-quality services and increase the morale of staff.

Keywords: concept, ideological immunity, patriotism, devotion to duty, pride, socio-political education, courage.

КИРИШ

Маънавият ҳақида сўз кетганида, унда маънавият кўп қиррали тушунча эканлиги, у инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зохирий ва яширин, ички руҳий – ботиний томонларини ҳам қамраб олиши эканлиги. Маънавият ўзи нима - деган саволга аниқ ва лўнда жавоб топиш қийин. Унга ҳар хил, баъзан эса бирбирига қарама қарши, ноаниқ саёз жавоб ва фикрлар билдирилган. «Маънавият» тушунчаси ва унинг тамойилларига ўзига хос изоҳ ва таърифлар бериб келинмоқда. Бунга сабаб «Маънавият» тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги гоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этган ижтимоий-

маънавий ҳодиса эканлигидир. Аслида маънавият – инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган энг бақувват маънавий-рухий омил ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

А.Эркаевнинг фикрича, «Маънавият – инсонинг ижтимоий – маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, соғдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзаликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби қўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир». М.Имомназаров дастлаб «Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...», -деб ёзган бўлса, кейинчалик «Маънавият – инсон қалбida, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди», -деб ёзади. Т. Махмудов «...Маънавият – инсонинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир», -деган таърифни беради.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотларга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, асрлар давомида сайқалланиб келаётган анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш борасида қўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Барча соҳалар сингари, ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида ҳам маънавий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга қўтариш, ходимларнинг билим савиасини янада ошириш, юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва фидойи ходимларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича йиғилишда, «Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият», деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Биламизки, ички ишлар органлари ходимларининг кундалик хизмат фаолияти доимо фуқароларнинг кўз ўнгига бўлади, шу боис ҳар бир ходимдан юксак касб маданияти, чукур ҳуқуқий-сиёсий, маърифий билим талаб этилади. Афсуски, айrim ходимлар хизмат интизоми ва қонунийлик талабларини қўпол равишда бузиб, ҳалол, виждонли ходимларнинг самарали хизматларига соя солмоқда.

Шу туфайли ходимларнинг садоқат руҳида тарбиялаш, ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтириш, уларнинг маънавий оламини асраш ва маънавиятини юксалтириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ички ишлар органлари тизими ҳам кун сайин такомиллашиб бормоқда. Президентимизнинг ички ишлар органлари ходимларига йўллаган табригида, «Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади», дея эътироф этилгани, осойишталик посбонларини қонун устуворлигини таъминлаш йўлида янада фидойилик билан хизмат қилишга ундейди.

Шу сабабли, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 02 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ги 5050-сон қарори билан «Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси» тасдиқланди. Ушбу концепцияда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг онгига Ватан тақдири ҳамда келажаги учун дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлаш каби улуғ мақсадлар ўз аксини топган.

Ушбу қарорга мувофиқ ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясини амалга ошириш доирасида қуидагилар белгиланди:

- ички ишлар органлари ходимларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ишлари «Ватанга ва ҳалққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!» концептуал ғояси асосида ташкиллаштирилиши;
- ички ишлар органларининг ходимларида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби олий масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ҳар бир ҳудудий ички ишлар органларида «ватанпарварлик бурчаги» ташкил этилиши;
- маънавий-маърифий ишлар ички ишлар органлари шахсий таркиби билан ишлар соҳасининг устувор йўналиши сифатида белгиланиши.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси ушбу соҳадаги ишларнинг устувор йўналишлари ва асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, аввало, ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган барча ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг умумий дунёқараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, ғурур, ифтихор, касбига нисбатан садоқат ва юқори масъулият ҳисларини ошириш билан боғлиқ вазифаларни белгилаб беради.

Концепция миллий ва ҳалқаро ҳуқуқ нормалари асосида ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан вижданан бажаришга йўналтириш бўйича маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясининг асосий мазмунини ифодалайди.

Ички ишлар органлари ходимларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш, фаол ҳаётӣ позицияси, интеллектуал салоҳиятини, Она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини мустаҳкамлаш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетини кучайтириш, уларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан вижданан бажаришга йўналтириш бўйича маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясининг асосий мазмунини ифодалайди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ички ишлар органлари ролини ошириш, уларни ҳар бир ходим томонидан ўз хизмат бурчи – «Ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш»ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш имконини беради.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни олиб боришда тарбиявий ишларнинг ҳам аҳамияти катта бўлиб, ватанпарварлик, ижтимоий-сиёсий, оилавий-маиший тарбия ҳамда якка тартибдаги тарбиявий чора-тадбирлардан иборат бўлади.

- ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш доирасида уларда Ватанга садоқат, касбига нисбатан ғурур ҳиссини шакллантириш, жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай хуқуқбузарлиқка қарши курашишда шахсий масъулиятни оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ўтказиб борилади;
- ижтимоий-сиёсий тарбия доирасида ходимларга ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти тизимли равища етказиб борилади ҳамда уларда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабат ва фаол ҳаётий позиция шакллантирилади;
- маънавий-маърифий тарбия ўз ичига миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб этиш тадбирларини қамраб олиб, хизмат бурчини бажариш бўйича қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтиришга қаратилади;
- оилавий-маиший тарбия доирасида ходимларнинг оила аъзолари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, улар томонидан ходимларга касбий бурчини бажаришга руҳий қўмаклашишга қаратилган тадбирлар ўтказилади;
- якка-тартибдаги тарбиявий ишлар ходимларда касб учун зарур бўлган шахсий фазилатларни шакллантиришга, уларни хизмат интизоми ва қонунчиликка қатъий риоя этишга йўналтиради.

Ички ишлар органларида тарбиявий йўналишда ходимларнинг онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатадиган, қалбига етиб борадиган, кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган ҳамда замонавий ахборот ва тарғибот технологияларини қўллаган ҳолда таъсирчан руҳда ўтказиладиган тадбирлар ташкил этилади.

Тарғибот-ташвиқот ишлари ходимларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ишларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, ички ва ташқи сиёсатнинг тенденциялари ҳақидаги маълумотларни тизимли равища етказиб боришдан иборат.

Психологик фаолият ходимларнинг руҳий ҳолатини кузатиш ҳамда уларнинг шахсий фазилатлари ва жамоадаги муносабатларини касбий бурчини самарали бажаришга йўналтиришдан иборат.

Ижтимоий-хуқукий фаолият ходимлар, фахрийлар ва уларнинг оила аъзоларининг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий қўмаклашишга қаратилган тадбирлардан иборат.

Маданий тадбирлар ходимлар онгига миллий маданиятимиз ва қадрияларимизга ҳурмат ва эҳтиром ҳис-туйғуларини ошириш, юксак эстетик дид ва ахлоқий меъёрларни шакллантириш, Ўзбекистон халқининг бой тарихи, маданияти, анъаналари ва урфодатларига ҳурмат, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини оммавий тадбирлар (музей, театр, кино, истироҳат боғлари, концерт ва бошқа тадбирларга ташрифлар) орқали сингдиришдан иборат.

Ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар – ходимларда Она Ватанга муҳаббат, қасамёдига ҳамда хизмат бурчига садоқат туйғуларини шакллантириш орқали уларда

маънавий дунёқарашни юксалтириш, шунингдек, ҳар қандай вазиятда жамоат хавфсизлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифаларни вижданан ҳамда сидқидилдан бажаришга тайёргарлигини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар киради.

Ахлоқий-психологик тадбирлар – ходимларда юксак одоб-ахлоқ ва руҳий барқарорликни, шунингдек, хизмат ва қундалик ҳаётда хукуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларига, шу жумладан коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантириш, фуқаролар билан мулоқот жараёнида касбий муомала маданиятига риоя қилган ҳолда ҳар қандай вазиятда ўзини ички ишлар органлари ходими деган юксак номга муносаб равишда намоён этиш, жамоада ишчанлик ва ижобий муносабат муҳитини яратиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар киради.

Хуқуқий тадбирлар – бу ходимларда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни оширишга қаратилган тадбирлардир.

МУҲОКАМА

Албатта бунинг барчаси ходимларни маънавиятини, ички дунёсини юксалтиришга қаратилган. Шу қаторда, юқоридаги йўналишлардан ташқари, ходимларни буюк аждодларимизнинг тарихий меросини ўрганиш, ходимларни маънавий оламини кенгайтириш, ҳаётий тажрибасини ошириш, тафаккурини, сўз нутқини ривожлантиришнинг энг самарали тизими бу китобхонлик саналади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан китобхонлик маданиятини шакллантириш масаласи кун тартибига бежиз қўйилмади. Инсон маънавий оламини бойитишда улкан таъсирга эга бўлган китоб ҳақида сўз юритар экан, Президентимиз: «Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ» - деган сўзлари ушбу жараён қанчалик глобал эканлигини кўрсатиб турибди.

ХУЛОСА

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг ягона тартибини белгилашдан асосий мақсад ходимларни Она Ватанга муҳаббат ва хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш, уларни юксак инсоний ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган ҳалқпарвар ходим даражасига етказиш, ходимларни ягона гоя асосида жиспластирган ҳолда онгига ҳалқ манфаатларига вижданан ҳамда сидқидилдан хизмат қилиш – олий ва шарафли бурч эканлигини сингдиришдан иборатдир.

Бинобарин, маънавий-маърифий ишлар ҳар қандай машаққатли хизмат ортида юртимиз манфаати ва ҳалқимизнинг фаровонлиги турганини ҳар бир ходим онгига ҳамда қалбига сингдириш, шунингдек, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳалқ манфаатларига хизмат қилишни ўзининг мукаддас ҳамда олий бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5050-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрь куни “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруғи.
3. Ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш – халқ манфаатларига хизмат қилишнинг муҳим кафолати: Ўқув қўлланма (иккинчи нашри) И. Исмаилов, Дж.Х.Юлдашев, Б.И.Эгамбердиев, М.Б.Комилов. Генерал-лейтенант Б.А.Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 170 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017 – 114-б.
5. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарқ, 1996.
6. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Тошкент: Шарқ, 2001.
7. Мухаммадиев. Н.Э Ички ишлар органлари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Дарслик. – Т.Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. -300-б.
8. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997.
9. <http://www.lex.uz>.
10. <https://uza.uz/uz/posts/ichki-ishlar-organylari-khodimlari-va-fakhriyalariga-24-10-2020>.